

ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ УМУМИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Акрамова Дилдора Эргашевна

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси
кафедраси ўқитувчиси

Абдурахмонова Азиза Илхом қизи

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим йўналиши талабаси

Аннотация: **Тарбия қонуниятлари** – шахс камолотида самарали натижага эришиш имконини берадиган барқарор, такрорланувчан ва муҳим тарбиявий муносабатлар. Бошқача айтганда, **тарбия жараёни қонуниятлари** – тарбия объектлари, тарбиявий ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги, уларнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайдиган объектив, асосий, муҳим ва барқарор алоқалар ва муносабатлардир.

Калит сўзлар: Тарбия таълим тизими, педагог, педагогик фаолият, вазифалар, фаолият.

GENERAL LAWS AND PRINCIPLES OF THE EDUCATIONAL PROCESS

Abstract: The laws of education are stable, repeatable and important educational relations that allow to achieve effective results in the development of a person. In other words, the laws of the educational process are objective, basic, important and stable connections and relations between objects of education, educational events and processes, which determine their state and development.

Key words: educational system, pedagogue, pedagogical activity, tasks, activity.

Тарбия қонуниятлари – шахс камолотида самарали натижага эришиш имконини берадиган барқарор, такрорланувчан ва муҳим тарбиявий муносабатлар.

Бошқача айтганда, тарбия жараёни қонуниятлари – тарбия объектлари, тарбиявий ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги, уларнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайдиган объектив, асосий, муҳим ва барқарор алоқалар ва муносабатлардир.

Ўқув-тарбия ишлари ва шахсий фазилатларни шакллантириш тарбия жараёни қонуниятлари асосида амалга оширилади.

Тарбия тамойиллари – тарбиявий жараённинг мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларига қўйилган асосий талабларни ифодаловчи умумий қоидалар. Бошқача айтганда, тарбия тамойиллари – тарбиявий иш тажрибасидан келиб чиқадиган, тарбия жараёни қонуниятларини акс эттирувчи, тарбиячи ва тарбияланувчилар фаолиятига қўйиладиган талаблар ролини бажарувчи дастлабки қоидалар (талаблар).

Тарбиянинг қуйидаги асосий тамойиллари фарқланади:

1) тарбиянинг аниқ бир мақсадга қаратилганлиги тамойили – педагогда энг юксак умуминсоний қадриятларга эга бўлган идеал шахс модели ҳақида тасаввур мавжудлигини назарда тутди;

2) тарбиянинг ижтимоий жараёнлар билан боғлиқлиги тамойили ўқувчиларни ижтимоий муносабатлар тизимига киритишни таъминлайди;

3) тарбиянинг яхлитлиги тамойили – шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун тарбия жараёнининг барча имкониятларидан фойдаланишни назарда тутди;

4) тарбиянинг узлуксизлиги тамойили – тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг доимий ҳамкорлигини, тарбия жараёнининг мунтазамлиги ва изчиллигини назарда тутди;

5) тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорлиги тамойили – педагогик жараёни тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргаликдаги ижоди сифатида назарда тутати;

6) шахсни жамоада тарбиялаш тамойили – жамоа шахсни шакллантиришнинг энг муҳим воситаларидан бири эканлигини англатади;

7) шахсиятнинг ижобийлигига таяниш тамойили – шахс камолотидаги ижобий майликни (интилишни) қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни англатади;

8) ҳурматлаш ва талабчанликнинг ўзаро боғлиқлиги тамойили – ўқувчи шахсининг ижобий баҳоланишини унинг камолотига ғамхўрлик билан уйғунлаштиришни назарда тутати;

9) тарбияга табақалашган ва индивидуал ёндашиш тамойили – тарбияланувчиларнинг шахсий хусусиятларига мўлжал олишни талаб қилади.

Тарбия тамойиллари тарбиячига қўйилган мақсадга эришиш учун зарур бўлган материаллар мазмунини, тарбия методлари ва шакллари тўғри танлашга имкон беради. Улар педагогларга болалар билан самарали, инсоний муносабатлар ўрнатишга имкон беради.

Тамойиллар якка ҳолда эмас, балки муаян тизимда, вазифалар ва муайян шароитларга қараб амалга оширилади. Фақат тамойиллар мавжудлиги ҳақида эмас, балки улардаги талабларни қандай амалга ошириш мумкинлиги ҳақида билиш жуда муҳимдир.

Бу масалага “тарбия қоидалари” тушунчаси жавоб беради. Тарбия қоидалари юқорида таъкидланган ҳар бир тарбия тамойилининг амалга ошиши, бажарилишини таъминлайдиган амалий ҳатти-ҳаракатлар тартибидир. Шу нуқтаи назардан ҳар бир тамойил бажарилишининг ўзига хос методик қоидаси ёки қоидалар гуруҳи мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Жуманова Ф., Авазова С., Жобборова Г., Хуснетдинов У. Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, “Ishonchli hamkor”, 2020. - 580 б.
2. Akramova, D. (2022). BO‘LAJAK PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING MAKTABGACHA TA’LIM TIZIMIDAGI FAOLIYATI. Science and innovation, 1(B8), 322-326.
3. Akramova, D. (2022). Oliy ta’lim muassalari talabalarida pedagogik-psixologik moslashuvchanlikni mazmun mohiyati. Science and innovation, 1(B8), 2150-2153.
4. Ergashevna, A. D. (2023). TALABALARDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MOSLASHUVCHANLIK MEHANIZIMLARINI RIVOJLANTIRISH TEHNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH BUGUNGI MUOMMO SIFATIDA. PEDAGOGS jurnali, 26(1), 13-17.